

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

48-сон
(340)
2008 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

470. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 ноябрдаги ПФ-4055-сон Фармони
471. «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сон Фармони
472. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1005-сон қарори
473. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 январдаги ПҚ-775-сон қарорига ўзгартишлар

киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 ноябрдаги ПҚ–1007-сон қарори

Учинчи бўлим

475. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 ноябрдаги 255-сон қарори

476. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада қўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ–986-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 ноябрдаги 256-сон қарори

Тузатиш

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****470 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тижорат банклари молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаолиятини кучайтириш соҳасидаги баъзи ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 21 ноябрь,
ПФ-4055-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 21 ноябрдаги
ПФ-4055-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзгартишлар
киритиладиган ҳужжатлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги ПФ-2084-сон Фармонининг:

а) 7-бандидаги:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 4-бандидаги учинчи жумла чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**471** **Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

3. Белгилансинки, фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш тижорат банкининг маблағи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларининг бадаллари ва ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 ноябрь,
ПФ-4057-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**472 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш
воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш,
ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш фаолияти мувофиқлаштирилишини янада такомиллаштириш, уларни ҳисобга олиш ҳамда мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатишнинг ягона тизимини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини республикага жалб этишни мувофиқлаштириш ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек, уларни ҳисобга олиш ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти ташкил этилсин.

Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикага инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш масалалари бўйича донорлар билан ҳамкорликни ривожлантириш таклифларини тайёрлаш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчиларга уларни расмийлаштириш ва етказиб бериш муддатларини қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўлиқ ва тизимли ҳисобга олинишини таъминлаш; республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, ташкилот ва муассасалари оладиган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини ўзлаштириш, мақсадли ва самарали фойдаланишнинг доимий мониторингини амалга ошириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб туриш.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг тасдиқланган чекланган сони доирасида умумий сони 5 нафар ходимдан иборат бўлган Департамент тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш,

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирига зарур ҳолларда Департаментнинг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги зиммасига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига маблағлардан мақсадли фойдаланилиши, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш ва ўзлаштиришда молиявий қондабузарликларга йўл қўйилмаслигини тафтиш ҳамда назорат қилиш вазифалари юклатилсин. Мазкур вазифаларни бажариш учун Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган сонига қўшимча киритиладиган 3 нафар ходимдан иборат шўъба ташкил этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига ўзларининг шахсий банк ҳисобварақларидан кўчирмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда, жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисида ахборот бериб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар Молия вазирлигининг Ғазначилигига тақдим этадиган ҳисобот шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 24 ноябрь,
ПҚ-1005-сон

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**473** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 январдаги ПҚ–775-сон қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ–986-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 январдаги ПҚ–775-сон қарорига иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти****И. КАРИМОВ**

-

Тошкент ш.,
2008 йил 27 ноябрь,
ПҚ–1007-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

475 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга
боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дип-
ломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»
1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига қўшимчалар киритиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро характердаги расмий тадбир-
ларда қатнашиш учун боришини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республи-
каси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикаси-
нинг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил
6 январдаги 8-сон қарорига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу
қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарла-
ри зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 ноябрь,
255-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 25 ноябрдаги 255-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга
боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг
дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Қарорнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:
«Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга 4-иловада кўрсатилган мансабдор шахсларнинг халқаро характердаги расмий тадбирларда қатнашишини келишиб олиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади».
2. 4-иловага қуйидаги мазмундаги 7.1 ва 7.2-бандлар қўшилсин:

7.1	Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда хўжалик ва давлат бошқаруви бошқа органларининг ходимлари	Вазирликлар, идоралар, муассасалар раҳбарлари
7.2	Хуқуқни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва мудофаа органлари ходимлари халқаро характердаги расмий тадбирларда қатнашиш учун	Хуқуқни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва мудофаа органлари раҳбарлари (зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Давлат маслаҳатчиси хизмати билан келишув бўйича)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**476** Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ–986-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ–986-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки ўз Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 ноябрь,
256-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 25 ноябрдаги 256-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомнинг 1-бандида:
қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:
«Ушбу Низомнинг амал қилиши акциядорлик тижорат банкларига татбиқ этилмайди»;
иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 мартдаги 39-сон қарори (Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг уставида:

а) 22-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Банкнинг устав сармояси миқдори 200 000 000 000 (икки юз миллиард) сўм миқдорида белгиланган. Ушбу сумма номинал қиймати 500 000 (беш юз минг) сўм бўлган 400 000 (тўрт юз минг) та эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўли-нади ва 2013 йил 1 январгача шакллантирилади»;

б) 34-банддаги «юретиш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 55-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«55. Банк кенгаши аъзолари сони камида беш кишидан иборат бўлиши керак. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам Банк кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин»;

г) 67-бандга йигирманчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«ҳар йили банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олинишини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда Банк кенгашига ахборот беради»;

йигирма биринчи хатбоши йигирма учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав сармоясида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган Тижорат банклари кенгашлари раисларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 11 июлдаги 265-сон қарори 1-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 25 ноябрдаги 256-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 июлдаги 265-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2001 йил 19 февралдаги 83-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 февралдаги 83-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2001 йил 4 июлдаги 286-сон қарори.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 2008 йил, 43-сони, 434-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон қарорига илова қўйидаги таҳрирда ўқилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 16 октябрдаги 229-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 4-бандида:

а) «в» кичик бандида «микромолиялаштиришни ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун» сўзлари «микромолиялаштиришни ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «д» кичик банд «тасдиқлаганлик учун» сўзларидан сўнг «ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) «е» кичик банд «тасдиқлаганлик учун» сўзларидан сўнг «ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) «к» кичик бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож қўйидаги схема бўйича ундирилади, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

д) «к¹» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«к¹) юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайдиган енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади.

Изоҳ. Алмаштириш шартномасини, шунингдек бир нечта енгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ гаров шартномасини расмийлаштиришда бож шу божнинг кўп суммаси олинандиган фақат бир машинадан ундирилади».

Ушбу кичик бандда белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида битимлар сонидан қатъи назар, енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлашда қўлланилади.

Мазкур кичик банднинг қоидалари эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини, шунингдек ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни тасдиқлаганлик учун қўлланилмайди;

е) «л» кичик бандда «л¹» кичик бандида» сўзлари «к¹» кичик бандида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) «л¹» кичик банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда):

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, 2008 йил 1 декабрдан бошлаб:

нотариуслар томонидан автототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

нотариал тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши керак, фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномалар ва ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномалари эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДЙХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

б) 4-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) қарорга иловада:

илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»;

1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом автототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини (кейинги ўринларда «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» деб юритилади) расмийлаштириш тартибини белгилайди;

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя этиш) ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «департаментининг ҳудудий бўлимлари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочилари» сўзлари «департаментининг ҳуду-

дий бошқармалари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомобилотранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «ишончномаларини, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «билан боғлиқ битимларни» сўзлари билан ва 6-банддаги «ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «битимларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Нотариуслар томонидан автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади, тасарруф этиш ҳуқуқисиз ишончномалар бундан мустасно»;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «автомилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «автомилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек ушбу хатбоши «ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига» сўзларидан кейин «текин фойдаланиш шартномаси бўйича ссуда олувчига, гаров шартномаси бўйича пул берувчига, лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига» сўзлари билан тўлдирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «шартномалар» сўзи «битимлар» сўзи билан алмаштирилсин;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек автотранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш шартномаси (баённома) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомилотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига мувофиқ бир вақтнинг ўзида автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва ҳисобдан чиқарган ҳолда сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувоҳномага ва автомобилотранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг (ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг) рухсатисиз автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқланади» ёзуви киритилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар (ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш бўйича бошқа шахсга бериш шартномалари, шартномалар (баённомалар) бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томони-

дан белгиланган тартибда автотототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «автотототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин; иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ДЙХХХ органлари тегишли нотариал идоралардан уларга нисбатан автотототранспорт воситалари билан битимлар тасдиқланган автотототранспорт воситаларига тегишли тезкор маълумотларни олиш йўли билан автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар автомобиль эгалари (ижарага олувчилар ва ишончли шахслар) томонидан ДЙХХХ органларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши (ҳисобга қўйилиши) бўйича талабларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади»;

12-банднинг иккинчи хатбошидаги «автотототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 29 февралдаги 35-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 6-модда) иловадан 4-банд чиқариб ташлансин.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар 2008 йил 1 декабрдан бошлаб кучга киради.».

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг